


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май

		босқичларини таомиллаштириш	
22.	Манглиев Б., Юсупова Д.Т.	Инновацион фаолликни ошириш механизмларини таомиллаштириш	107
23.	Мўминов Ж.	Ёғ-мой саноатини модернизациялаш ва инвестициялар жалб этиш самарадорлиги	109
24.	Мўминова Д.Д.	Рақамли иқтисодиётда бошқарув қарорларини кабул килиш мезонлари	112
25.	Нурматов Д.Н.	Особенности функционирования промышленных предприятий в условиях цифровой экономики	115
26.	Нуримбетов Р.И., Ҳасанов Т. А.	Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги бошқарувини рақамлаштириш масалалари	118
27.	Пардабаева С.Т.	Корпоратив бошқарув тизимида курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	121
28.	Рашидов Ж. Х.	Бошқарув тизимида рақамли технологияларни жорий қилишнинг самарадорлиги	123
29.	Рашидов Ж. Х. Турсунов Ш.И.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш муаммолари	126
30.	Тиллаев И. Ж., Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион лойиҳаларни бошқариш аҳамияти	129
31.	Тиллаев И. Ж., Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш босқичларини таомиллаштириш йўллари	131
32.	Темиров А.А. Махмудов С.Б.	Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари	134
33.	Тўғонов И., Юсупова Д.Т.	Рақобатбардошликнинг иқтисодий моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар	137
34.	Tursunov B.O	Aspects of financial security management of industrial enterprises under conditions of global economic crisis	140
35.	Турсунова З.Р., Йўлдошев Н.Қ.	Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни стратегияси ва тактикаси	145
36.	Umurova M.A., Xodjamuratova G. Y.	Raqamli iqtisodiyotda zamonaviy korxonalarda boshqaruv jarayonini tashkil etishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish istiqbollari	146
37.	Умарходжаева М.Г.,	Факторы, формирующие конкурентные	149

технологияларни танлашга бошланғич мүлжалланган лойиҳа эскизини ТИАси деб аталади (гарчи бу нарса лойиҳанинг барча жиҳатларини қамраб ололмайдиган инженер-тадқиқот ёки тадқиқотни таъминлашгина ҳисобланса ҳам).

Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмини баҳолаш ривожланган мамлакатларда кузатиладиган ёки ривожланаётган мамлакатлар шарт-шароитларига нисбатан заиф, кучсиз муносабатларга эга мамлакатларнинг шароитларини ҳисобга олишга асосланади. Бундай тадқиқотлар маҳаллий шарт-шароитларга тўғри келмаган ёки уларга ёмон боғланган бўлади, улар ишончсиз йўлдан бориши мумкин ва ривожланаётган мамлакатларда у тез-тез ресурсларнинг нотўғри жойлаштирилишига олиб келиши мумкин.

ТИА мавжуд ишлаб чиқариш омилларига, маҳаллий бозор ва ишлаб чиқариш шарт-шароитларига боғланган бўлиши лозим. Таҳдил натижалари харажатлар, даромадлар ва соғ фойда қисмини яққол кўрсатиб бериши лозим. ТИАни ишлаб чиқиши тадқиқот натижасида аниқланган керакли молиявий маблағлар етарли даражадалиги маълум бўлганда гина амалга оширилиши лозим.

Инвестицион лойиҳаларни бошқаришда лойиҳа мониторингини олиб бориш мақсадга мувофиқидир. Инвестицион лойиҳа мониторинги унинг амалга оширилиши лойиҳа стратегиясидан нечоғлик оғишга эга эканлигини, прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам ўрганиб, назорат ва таҳдил қилиб бориш, мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини бериши сабаб аҳамияти юқоридир.

*А.А. Темиров, и.ф.н. доцент,
С.Б. Махмудов ассистент,
ТДИУ*

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА САМАРАЛИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитида корхоналар фаолиятида тадбиркорликнинг молиявий муносабатларини ривожлантириш ва бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муваффакиятли ҳал этиш ҳамда ижобий натижаларга эришиш молиявий бошқарувни самарали йўлга қўйишни тақозо этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Айрим вазирликлар ўзи назорат қиласидаги соҳадаги корхоналарда таъсисчи экани эркин ва соғлом рақобатга йўл бермаяпти, буниям бутун очиқ айтиш керак. Бундай тизимни энди ўзгартирмасак, ушбу тармоқларда ҳам ва умуман, иқтисодиётда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди”⁴⁴.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uznet.press>

Шундай экан, тадбиркорлик субъектларини босқичма-босқич шакллантириш ва улар яхши молиявий натижаларга эришиши учун хўжалик юритувчи субъектлар молиявий бошқарув тизимини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга. Молиявий бошқарув молиявий механизминг асосий воситалари ва усуллари ёрдамида молиявий бошқарув мақсадларини, бу мақсадларни белгилашнинг ўзига хос жиҳатларини, корхона молиявий ресурслари шакллантирилиши, тақсимланиши ва бу воситалардан самарали фойдаланилишини ҳамда уларнинг пул маблағлари айланишидаги ташкилий томонларини акс эттиради.

Корхоналар бозорнинг муҳим таркибий қисмидир, шунинг учун ҳам уларнинг ривожланиши масаласи ҳозирги кундаги энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бинобарин, корхоналарни ривожлантириш масаласи кўпинча уларда молиявий менежмент муаммоларининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Демак, молиявий менежмент корхонани унинг умумий мақсадларига эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир⁴⁵.

Молиявий менежмент, бир томондан, ўзининг хусусиятлари ва маълум қонуниятларга эга бўлган бошқариладиган тизимдир, иккинчи томондан эса корхонани бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида бошқарув тизимидир.

Бошқариладиган тизим сифатида молиявий менежмент солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари ва хокозолар давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига берилувчан бўлади. Яқингacha бошқариладиган тизимнинг етакчи соҳаси сифатида хўжалик механизми ҳамда унинг таркибий қисми бўлган молия-кредит механизми ўрганилиб келинди.

Молиявий менежмент корхона даражасида эмас, балки давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фонdlар, банклар ва бошқа кредиторлар, институционал инвесторлар билан бевосита узвий муносабатлар тизимиға ҳам асосланади. Иқтисодий адабиётларни таҳдил этиш ва улардаги фикрларни умумлаштирилганда, молиявий менежментнинг қуидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар:

- корхоналар миқёсида инвестицион қарорлар қабул қилиш;
- корхоналар фаолиятида молиявий қарорлар қабул қилиш;
- корхоналар даражасида молиявий назоратни таъминлаш.

Мазкур йўналишлар фойдани кўпайтириш, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча аҳоли гуруҳлари эҳтиёжларини қондириш ва корхонада қисқа муддатли манфаатларнинг узоқ муддатдаги истиқбол тараққиёти вазифаларига зид келмайдиган ўсишини таъминлаш каби мақсадларни ўзида мужассамлайди.

Фикримизча, корхоналарда молиявий менежментни самарали ташкил этишнинг объектив шарт-шароитлари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

⁴⁵ Баффетт У. Эссе об инвестициях, корпоративных финансах и управлении компаниями. пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. - 268 с.

- ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг ривожланиши;
- ўз-ўзини молиялаштириш;
- баҳо белгилашда бозор тамойиллари ва қонунчилиги;
- товар, меҳнат ва капитал бозорларининг ривожланиши;
- зарур меъёрий-хукуқий асосларнинг мавжудлиги.

Шундай қилиб, корхона молиясини самарали бошқаришнинг усуллари ва услублари йиғиндиси сифатида олиб қаралаётган молиявий менежмент белгиланган мақсадларга эришиш учун қатор асосий аналитик қуролларга эга. Унинг асосий вазифаси сифатида молиявий такомиллаштириш, яъни молиявий ресурсларни бошқаришнинг қулай йўлини танлаш, корхона иқтисодини мустаҳкамлашнинг самарали усулларини қўллаш, корхона қийматининг ўсиши ва молиявий ҳолатини кучайтириш учун турли имкониятлардан фойдалана олиш кабиларни ажратиб кўрсатиш лозим⁴⁶.

Корхоналарда бошқарувга оид қарорлар учта асосий тоифага бўлинади:

- амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, яъни жорий вазифаларни тартибга солиш;
- тадбиркорликка хос қарорлар, яъни фаолият соҳаларини кенгайтириш, янги бўлинмаларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш, янги бозор сегментларини ўзлаштириш;
- янги, халқаро даражага эришиш учун корхона стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган махсус қарорлар.

Ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган кўпчилик корхоналар учун куйидаги камчиликлар хосдир:

- вакътинчалик натижаларга кўпроқ интилиш ва шунинг учун истиқболли ёндашувнинг аҳамиятсизлиги;
- корхона менежерининг тараққиётнинг муҳим йўналишларини ишлаб чиқиш ва асослаш жараёнидаги билими ва ҳоҳишининг чекланганлиги туфайли бундаги пассив иштироки;
- бошқарувчиларнинг молиявий фаолиятнинг янги имкониятларига, корхона фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг муҳим соҳаларига менежмент тамойилларини жорий этишга тайёргарлик ҳолатининг паст даражаси.

Корхонанинг молиявий менежерлари корхона ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни икки томондан қараб чиқишилари лозим:

- биринчидан, мазкур қарорларнинг корхона молиявий ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини таҳдил этиш;
- иккинчидан, корхона таъсисчиларининг бундай қарорларга бўлган муносабатини ўрганиш.

Корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши уларнинг молиявий натижаларига боғлиқ бўлади, бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхоналарда молиявий менежментнинг асосий мақсади корхона капитали қийматининг ўсиб бориши ва фойда олишини таъминлашдан иборат.

⁴⁶ Бланк И.А. Финансовая стратегия предприятия. Учебный курс. -К.: Нико Центр. 2006. -520 с.

Фикримизча, корхоналар молиявий бошқариш тизимини такомиллаштириш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши мұхым деб ҳисоблаймиз:

1. Корхоналар фаолиятининг молиявий натижасини улар фаолиятига киритилган инвестицион маблағлар қайтимига боғлаш.

2. Пулнинг вақт концепцияси орқали соф пул оқимларини аниклаш ва уни жағон андозаларига мослаштиришни күллаш.

3. Киритилган инвестициялар билан улардан келадиган пул қайтимлари солишириш орқали якуний молиявий натижани аниклаш.

4. Аниқланган якуний молиявий натижага кўра корхонанинг менежмент усулларини танлаш ва улар асосида бошқаришни ташкил этиш.

Корхоналар учун анъанавий усуллар ёрдамида амалга оширилаётган таҳдиллар оралиқ натижаларни фақатгина маълум муддатларга ифодалаб беради холос. Шунинг учун ҳам бу таҳдил якуний молиявий натижаларни тайёрлашда кўшимча маълумотлар ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг мазмuni корхона фаолиятининг ҳаётийлиги давридаги самарадорликни ифодалайди ва ҳар қандай бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва мазмунини белгилайди.

*И.Тўғонов, магистрант,
доц. – Д.Т.Юсупова,
ТДИУ*

РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Бозор иқтисодиётини ҳаракатта келтирувчи, унинг тараққий этишига катта таъсир кўрсатувчи асосий куч рақобатdir. Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорики, усиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки у бозор иқтисодиётининг мазмунидир. "Рақобатсиз бозор иқтисодиёти бўлиши мумкин эмас ва бундай иқтисодиёт мавжуд бўла олмайди".

Хўш, рақобат нима? Рақобат (конкуренция) лотинча - сансуро деган сўздан олинган бўлиб, тўқнашув деган маънони билдиради. Ўзбек тилида рақобат ким ўзади, басма-басликка беллашув маъносини англатади. Басма-басликка ким беллашади? Рақиб билан. Рақиблар бир-бирига қарама-қарши турувчилар бўлиб, бирор нарсани талашувчилар маъносини ифодалайди. Шундай қилиб, "Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имкониятига, нуфузли мавқега эга бўлиши учун бошқалар билан беллашуви, курашидир".

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш, унга турли томондан ёндашишни талаб қиласди. Мустақил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат маҳсулотларни кулагай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нарҳда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хомашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услугбларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўtkazilgan илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қўйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермуҳамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.